ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'K.U.F. F.T.U.U.

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2007 йил 29 май
сешанба № 67 (2324)

Спартакиада



# ҚУРЪА ТАШЛАНДИ, НАВБАТ БАҲСЛАРГА

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган аъзо ташкилотлар ҳамда унинг тасарруфидаги жамоалар аппарат ходимлари ўртасидаги Республика спартакиадаси финал баҳслари жуда кўпчиликнинг диққат эътиборида.**



*Бу мусобақани орзиқиб кутаётганлар кўп.*

*Бугун пойтахтимиздаги «Яккасарой» спорт мажмуасида бошланган беллашувларда барча соҳалар ходимларини учратасиз. Таълим фидоийсидан тортиб геологгача, машинасоздан то қишлоқ хўжалик ходимигача, алоқачидан енгил саноат тармоғи ишчиларигача майдонда.*

*Нафақат майдонда, балки кучлилар майдонида. Чунки улар бу ерга сараланиб-сараланиб етиб келишган.*

*Уч кун давомида шахмат, шашка, стол тенниси, енгил атлетика, мини футбол бўйича сараланганлар сафи яна қисқариб боради. Ғолиблар аниқланади. Аммо асосий соврин — саломатликни барча бирдек ютиб олади. Саломатлик спартакиадасига марҳабо!*

**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

Ёзги соғломлаштириш



# МАСЪУЛИЯТ БОР ЖОЙДА

## мавсум муваффақиятли ўтади

Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатига қарашли «Тонг» оромгоҳидаги орасталикни кўриб кишининг дили қувнайди.

— Мавсумни тўлақонли ўтказиш юзасидан жуда катта тажриба тўпланган, — дейди корхона касаба уюшма қўмитасининг раиси Собиржон Пўлатов. —Болажонларимизнинг мавсум давомида мириқиб ҳордиқ чиқаришлари биз учун ҳамиша бирламчи вазифалар сирасига киради.

Дарҳақиқат, корхонани айланганимизда касаба уюшма ташкилоти етакчисининг фикрларига биз ҳам қўшилдик. Ётоқхоналар, спорт майдончалари, сузиш ҳавзалари таъмирдан чиқарилган. Кутубхона, маънавият ва маърифат хоналари мавсумга шай.

Айнан мазкур оромгоҳда Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши куни кеча болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ташкилотчиларининг вилоят семинар-кенгашини ўтказди. Анжуманни кенгаш раиси Муҳайё Тўлаганова кириш сўзи билан очди.

Жорий йил вилоятда 22 минг 350 нафар болаларни соғломлаштириш кўзда тутилган. Уларнинг 270 нафари Меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатлари тарбияланувчиларидир. 960 нафари эса кам таъминланган, кўп болали оила фарзандлари бўлиб, улар Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан бепул дам олдирилади. Шунингдек, вилоятдаги болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида Хоразм вилоятидан келган минг нафар болажонлар ҳам ҳордиқ чиқаришади.

**(Давоми 2-бетда)**

Бугуннинг гапи

# БИЛИМ КУНДА КЕРАК

***Бугунги кунда кенг қулоч ёзаётган фермерлик фаолияти қишлоқда хўжалик юритишнинг энг истиқболли ва самарали шакли сифатида қадр топмоқда. Бинобарин, ўтган йил қишлоқ хўжалиги ялпи ички маҳсулотининг 80 фоиздан ортиғи фермер хўжаликлари ҳисобига тўғри келади. Бу иқтисодиётимизнинг барқарорлашуви кўп жиҳатдан уларнинг меҳнати ва шижоатига боғлиқ эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.***

Ўтган йиллар мобайнида фермер хўжаликларида самарали фаолият кўрсатишнинг ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий асослари яратилиб, маълум даражада ижобий натижаларга эришилди. Шу ютуқлар асосида қишлоқ аҳолисининг даромади ошди. Бозорларимиз мўл-кўл сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдирилди. Республикамиз саноати эса етарли хом ашё билан таъминланди.

Меҳнаткашга меҳр-оқибат кўрсатиш долзарб вазифага айланди. Юқори савияли, малакали фермер хўжаликларининг раҳбарлари даромадлари ҳисобидан ўз ишчиларининг ойлик маошларини оширяптилар. Умумхалқ байрамларида моддий ёрдамлар кўрсатиляпти. Ишчиларнинг ўғил-қизлари хўжалик ҳисобидан баҳаво жойлардаги оромгоҳларда дам олдирилмоқда. Шунингдек, қиш кунлари учун озиқ-овқат маҳсулотлари бериш йўлга қўйилганлиги ва бошқа кўмаклар уларнинг меҳнатга бўлган рағбатини оширмоқда.

Меҳнат аҳлининг саломатлиги доимо диққат марказида турибди. Ишчилар имтиёзли йўлланмалар билан санаторийларга юборилиб, саломатликлари тикланмоқда. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури бизнинг ҳам зиммамизга катта масъулият юклади. Бинобарин, шу кунга қадар аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини, жумладан, ногиронлар, ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилалар, етим-есирлар ва бошқаларни қўллаб-қувватлаш борасида уюшмамиз, унинг ҳудудий филиаллари ҳамда фермер хўжаликлари томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Масалан, 13,8 мингта кам таъминланган ва серфарзанд оилага 5,5 миллиард сўмликдан зиёд маблағга қорамол олиб берилди. Шундан фермер хўжаликлари 2303 та ёрдамга муҳтож оилага сигир ҳадя қилди. Наврўз байрами муносабати билан 9 минг кишига 1 миллиард 16 миллион сўмдан ортиқ миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, фермер хўжаликларидаги кам таъминланган оилалар, ўзгалар парваришига муҳтож пенсионер ва ногиронлар 120 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами олдилар. 2700 кишига банкларда омонат дафтарчаси очилиб, ҳисоб рақамларига 88 миллион сўм пул ўтказилди. 8,7 мингдан ортиқ оила 472 миллион сўм нақд пул, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа ёрдамлардан баҳраманд бўлди.

Ютуқлар ўзимизники, бироқ ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Афсуски, шоли курмаксиз бўлмаганидек, баъзи фермер хўжаликларининг раҳбарларида ҳали ҳануз ҳуқуқий саводхонлик етишмайди. Президентимизнинг қатор Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган норматив ҳужжатлар, дастурлар, низомлар, уставлар, иловалар ҳамда суд қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатларининг барчаси фермер хўжаликлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мукаммал кафолатини яратганига қарамай, айрим жойларда ишчилар ҳуқуқининг бузилаётганлиги кўнгилсиз ҳолдир. Масалан, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (ОМБУДСМАН) билан биргаликда жорий йилнинг бошида Бўка ва Пискент туманларидаги фермер хўжаликларида ишчиларнинг ижтимоий муҳофазаси қандай аҳволда эканлигини ўрганиш борасида ҳамкорлик мониторинги ўтказилди. Натижада хўжаликларда ишни ташкил этиш, режаларни бажариш, ҳомийлик ёрдамлари кўрсатиш намунали йўлга қўйилгани ҳолда, хўжаликка оид ҳужжатларни расмийлаштиришда раҳбарлар томонидан етарли эътибор берилмаганлиги маълум бўлди. Меҳнат шартномалари тузиш, ишчиларни ишга олиш тўғрисида буйруқлар чиқариш, меҳнат дафтарчаларини юритиш ва ҳоказоларда жиддий қусурлар мавжуд. Шунингдек, ишчи аёлларга хасталигида, меҳнат таътилларида, ҳомиладорлик ва бола парвариши даврида тўланадиган тўловларни касаба уюшмалари ҳамда ижтимоий таъминот идоралари орқали расмийлаштириш лозимлиги тўғрисида хўжалик раҳбарлари зарур тушунчага эга эмас. Айнан шунинг учун ҳам бу борада мавжуд ишчи гуруҳлари тушунтириш ишлари олиб бормоқда.

Бундан ташқари, республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаа қилиш вазирлигининг меҳнатни нормалаш ва муҳофаза қилиш маркази билан ҳамкорлигимиз ҳам яхши самара бераётир. Масалан, «Фермер хўжаликларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш модуллари ва ўқитув элементлари» мавзуида ҳамкорликда ўтказилган семинар ғоятда фойдали бўлди. Семинарнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, қишлоқ хўжалигида болалар меҳнати хусусида атрофлича фикр юритилди.

**Тўхта БОЗОРОВ,**
**Республика фермер хўжаликлари уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари**

Универсиада-2007

# ОММАВИЙЛИКДАН МАҲОРАТ САРИ

***Орзиқиб кутаётганимиз талабаларнинг «Универсиада-2007» спорт ўйинларининг бошланишига ҳам тобора оз фурсат қолмоқда.***

***Республикамиз Президентининг «Ўзбекистон олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада-2007» спорт мусобақаларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш, ёшлик ва спорт байрамини юқори савияда ўтказиш учун барча бирдек масъул. Қатор вазирлик ва ташкилотларга бу борада аниқ вазифалар юклатилган.***

Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигида ҳам иш қизғин.

Президент қарори ҳамда мусобақани ўтказиш Ташкилий қўмита мажлиси баённомасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири Рустам Қурбоновнинг буйруғи чиқди.

Буйруқда вазирлик бошқарма ва бирлашмаларига қилинажак аниқ вазифалар тақсимланди. Шунингдек, буйруққа кўра, вазирликнинг Олимпия ва спорт захиралари бошқармаси бошлиғи Лев Югай «Универсиада-2007» спорт мусобақаларининг бош ҳаками, Оммавий спортни ривожлантириш, оммавий спорт тадбирларини ўтказишни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи Равшан Насимов бош ҳакам ўринбосари этиб тайинланди.

Шу муносабат билан «Универсиада-2007» спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича қилинаётган ишлар ҳақида Р. Насимов билан суҳбатлашдик.

— Вазирликда ёшларнинг спорт байрамини намунали ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлари тузилган, — деди бош ҳакам ўринбосари. — Масалан, бизнинг Оммавий спортни ривожлантириш, оммавий спорт тадбирларини ўтказишни ташкил этиш бошқармамиз мусобақалар ўтадиган спорт иншоотларининг тайёргарлик ҳолати, уларнинг техник-спорт меъёрларига мувофиқлигини кўрикдан ўтказиб боришяпти. Иншоотларга зарур бўладиган спорт жиҳозлари ҳақидаги маълумотларни эса Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этиб бораяпмиз.

Сир эмас, мусобақаларнинг одилона ўтишида ҳакамларнинг ўрни беқиёс. Турли спорт федерациялари «Универсиада-2007»ни бошқарадиган ҳакамлар номзодларини тақдим этишган. Улар орасидан энг малакалиларини танлаб оламиз, албатта. Шунингдек, олимпия ҳаракати ғояларини ёшлар онгу тафаккурига сингдириш, спортчиларимизнинг халқаро майдонларда эришган ютуқлари орқали уларда ватанпарварлик туйғусини оширишга қаратилган қатор тадбирлар режалаштирилган. Хусусан, «Универсиада-2007» қатнашчиларининг жаҳон ва Осиё чемпионлари билан учрашувлари уларда унутилмас таассурот қолдиради, деб ўйлайман.

Спорт турлари бўйича миллий ва ёшлар терма жамоалари мураббийлари Универсиада баҳслари давомида энг иқтидорли талабаларни саралаб олиб, уларни оммавийликдан профессионал спортга жалб этишади.

Вазирликнинг маданият ишлари бўйича бошқарма ва бирлашмалари эса спортчи талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида турли маданий-маърифий, маънавий-бадиий тадбирларни режалаштиришмоқда.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# ИШСИЗЛИК МУАММОСИ

## Қўшработда қандай ечим топаяпти?

***Иқтисодиёт юксалишида, одамлар бандлигини таъминлашда саноат корхоналарининг ўрни беқиёс. Бироқ, қўшработликлар ҳали-ҳануз ўз корхоналарига эга бўла олганларича йўқ. Бу эса муайян даражада иш ахтарувчилар сафи кенгайишига сабаб бўлаяпти. Муаммо қандай ечим топаяпти?***

Таъкидлаш жоиз, қўшработликлар ўта изланувчан халқ. Уларни бошқалардан кўпроқ изланишга, фикрлашга, тер тўкишга ҳудуднинг жуғрофий жойлашуви ўргатиб қўйган бўлса, ажаб эмас. Даладаштларнинг аксар қисми қақроқ майдонлар, лалмикор ерлардан иборат. Барака умиди ҳам аксари обҳаводан. Аҳолининг чекланган қисмигина қишлоқ хўжалиги билан банд. Айни чоғда халқ амалий санъати, тўқувчилик, каштачилик, зардўзлик бобида ўз касбининг усталари кўп. Улар фаолиятини мувофиқлаштириш тақозо этилади. Нафақат тарих, балки бугунги кунда ҳам Қўшработнинг патли гиламлари, тақирловиқ ва олачалари бозорда ўз нуфузини йўқотмай келаяпти. Қўли гул момолари меросига собит қолаётган аёллар иш ахтарувчиларнинг асосий қисмини ташкил этади. Хўш, туманда уларни иш билан таъминлаш имкони борми? Таассуфки, йўқ. Самарқанд — Бухоро ипак гилам корхонаси бу ерда касаначилик меҳнатини ташкил қилишни мўлжаллаганини эшитиб, бир энтикиб тушишган бўлса-да, аммо ҳали ҳануз корхона иш бошлагани йўқ.

— Меҳнат ресурслари етарли, — дейди туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофазалаш бўлими бошлиғи Дониёр Алиқулов. — Аммо касаначилик фаолиятини изга солишга қийналаяпмиз. Вилоят марказидаги йирик корхоналар масофа олислигини рўкач қилиб, ҳамкорликдан қочишаяпти. Аммо биз олма пиш, оғзимга туш, деб қараб турганимиз йўқ.

Меҳнат бўлими режалари билан танишдик. Улар маҳаллалар қошида бир марталик иш билан таъминлаш марказларини ташкил қилиш фикрида юрганлигини сир тутишмади. Ҳунарманд-усталар, ғишт терувчи, сувоқчилар ва шунга ўхшаш касб эгалари келгусида маҳалла қошида уюшади. Бу ердаги бўлим вакили улар фаолиятини мувофиқлаштириб туриш вазифасини бажарар экан. Маҳаллада яшовчи фуқаролар ўзлари режалаштирган қурилиш ёхуд ёғоч устачилиги, лой ва томорқа юмушларини бажарувчи устани кўчадан излашига сира ҳожат қолмайди. Маҳалла қошидаги ходимга мурожаат қилса кифоя. У керакли касб-кордаги кишини эҳтиёжманд хонадонга йўллайди. Қарабсизки, иш ахтариб юришга ҳам хожат қолмайди. Меҳнат бўлими мутасаддилари бу масаланинг ихчам, самарали усули устида изланишаяпти.

Туман меҳнат бўлими томонидан 1858 нафар фуқаро рўйхатга олинган бўлиб, уларни ўз касб-корлари йўналишида ишга жойлаш чоралари кўрилмоқда. Беихтиёр рақамларга мурожаат қиламиз. Иш излаётганларнинг 1680 нафари халқ хўжалигининг турли соҳаларига ишга жойлаштирилган. Лаёқати, мутахассислиги бўйича ўз ўрнини тополмаган 225 нафар фуқарога ишсизлик мақоми берилган. Етти киши имтиёзли тарзда муддатидан олдин пенсияга кузатилган. 125 нафар фуқарога эса бўлим томонидан ишсизлик нафақаси тўлаб келинаяпти.

Янги иш ўринлари яратиш борасида ҳам муайян силжишлар бор. Чунончи, иқтисодиётнинг барча йўналишлари бўйича 1580 та янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилганди. Хусусан, тадбиркорликни кучайтириш ҳисобига бу кўрсаткич 1661 та ўринга кўпайтирилади. Уй меҳнатини ривожлантиришга ҳам эътибор берилмоқда. Ўтган даврда 605 та иш ўринлари оилавий сулолалар ишлаб чиқариши ҳисобига яратилди. Ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар иш билан таъминланишда алоҳида имтиёзларга эга. Чунончи, амалдаги қонунларга мувофиқ 11 та корхона, ташкилот ва муассасаларда 156 та квота иш ўринлари яратилиб, шуларнинг 40 таси ишга яроқли ногиронлар учун мўлжалланган. Бўлимга мурожаат қилган ижтимоий муҳофазага муҳтож фуқароларнинг барчаси иш билан таъминланган.

Иш ўрни топишда меҳнат бозори беқиёс. Бозорда ўз бахтини синаш учун келганларнинг аксарияти иш топишаяпти. Туман прокуратураси ва меҳнат бўлими ҳамкорликда 4 маротаба меҳнат ярмаркалари ташкил этган. Уларда 148 та корхона ва ташкилотлар 423 та бўш иш ўринлари билан қатнашган. Ярмаркада иш ахтарувчи сифатида иштирок этган 482 нафар фуқаронинг 279 нафари иш билан таъминланган.

— Иш излаб кўп овора бўлдим. Меҳнат ярмаркасида иштирок этишим йўлимни очди, — дейди коллеж битирувчиси Салоҳиддин Товбоев. — Зарметан Э.Т.Қ. экспедициясидан ўзимга мос иш топдим. Тўғриси, булар муаммо ечими томон ташланган биринчи қадамлар холос. Манзил эса ҳали узоқ. Меҳнат бозорида иштирок этгунга қадар менда бу ҳақда мутлақо тасаввур йўқ эди. Ишимдан мамнунман. Даромади ҳам қаноатлантираяпти.

Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси, тижорат банклари маблағларидан оқилона фойдаланишга интилиб келинаяпти. Пардахол Хидирова ҳам меҳнат бўлими кўмаги билан тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. У кредит маблағлари ҳисобидан 5 та тикув машинаси харид қилиб, ўндан зиёд аёлларни иш билан таъминлади. Айни пайтда 15 дан ортиқ хотин-қизлар бу ерда кўҳна касб сир-асрорларини ўрганаяпти. Бўлим ходимлари ҳудуддаги 3114 нафар шахсий деҳқон хўжалиги юмушлари билан банд бўлган кишиларни рўйхатга олиб, уларга меҳнат дафтарчалари расмийлаштиришди. Шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган 15 нафар шахснинг 14 нафари ишга жойлаштирилди. 1 киши эса саломатлигини тиклаш учун даволанишга жўнатилди.

Бу ишда, айниқса, касаначиликни ташкил этиш кўп асқотиши мумкин. Бироқ туманда бу тахлитда ишлайдиган на бирор корхона, на бир фирма бор. Саноат нуқталарини қишлоққа кўчиришда вилоят мутасаддиларининг хайрихоҳлиги, амалий мадади даркор.

**Н. ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Хабарлар

# ЯНГИ БОЗОР

**Гурлан туманининг «Вазир» қишлоғида 40 ўринли бозорнинг ёзги қисми битказилиб, ишга туширилди. Энди бу ерда деҳқон ўз даласида етиштирган ҳосилни сотиш имконига эга.**

Дўконлар ва ошхона қурилиши аҳоли учун яна бир қулайлик бўлди. Қурилишга «Рустам-Аҳмад» фермер хўжалиги раҳбари Рустам Аҳмедов ҳомийлик қилди.

Бозорнинг қишки қисмини истиқлолнинг 16 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

# ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ ҲАМ ...

**«Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» акциядорлик компанияси Хоразм филиали Ижтимоий ҳимоя йилида вилоятга лизинг асосида юздан зиёд тракторлар келтиришни режалаштирган.**

Яқинда 29 та «МХН-140» русумли трактор келтирилиб, вилоят машина-трактор парклари очиқ акциядорлик бирлашмаси ихтиёрига берилди. Техникалар учун олдиндан 15 фоиз ҳақ тўланган. «Ўзкейс» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган ушбу техникалар ер ҳайдаш, тупроққа ишлов бериш имконига эга, шунингдек, улардан транпорт воситаси сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

**М.ТЎРАБОЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

# МАОРИФЧИЛАР ҲИММАТИ

**Хўжайлидаги 70-мактабнинг хизматчиси Жақсибека Ғойибованинг қувончига қувонч қўшилди. Туман халқ таълими бўлими томонидан кам таъминланган оилага бир бош сигир тақдим этилди.**

— Қийналган дамларда қўллаб-қувватлашган ҳамкасблардан миннатдорман, — дейди Ж.Гоибова мамнуният билан. Эндиликда болаларим ҳар куни сут-қатиқ ичадиган бўлди.

Туманда йил бошидан бери элликдан зиёд муҳтож оилаларга соғин сигир берилди.

**И.ИСОМИДДИНОВ**

Ёзги соғломлаштириш



# МАСЪУЛИЯТ БОР ЖОЙДА

## мавсум муваффақиятли ўтади

(Боши 1-бетда)

Оромгоҳларни тарбиячи ҳамда етакчилар билан таъминлаш масаласига ўта масъулият билан ёндашилмоқда. Чунки ўтган йилги кузатишлардан маълумки, айрим тарбиячи ҳамда етакчиларда юксак масъулият ҳисси етишмади. Бошқача айтганда, ушбу тадбирга алоқадор барча масалалар муҳим. Республика Вазирлар Маҳкамасининг ёзги соғломлаштириш мавсумига бағишлаб ўтказилган йиғилишида бир қатор вазирлик, идора, жамғармалар ҳамда жамоат ташкилотлари зиммасига аниқ вазифалар юклатилганлиги ҳам бежиз эмас. Унга кўра болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳларига электр энергияси, газ-сув, коммунал хизмат кўрсатиш, озиқ-овқат билан боғлиқ масалаларда бир қатор имтиёзлар белгиланди.

Яна бир масала. Бу ҳам бўлса маданий-маърифий,



маданият ва спорт ташкилотлари ҳам бу ишга ўзларининг баҳоли қудрат ҳиссаларини қўшишади. Шоир ва ёзувчилар, мусаввирлар, таниқли санъаткорлар, уруш ва меҳнат фахрийлари билан давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилади.

Аксарият оромгоҳ бошлиқларини ташвишга солиб келаётган масалалардан бири, бу текшириш учун турли идоралардан келувчи комиссиялардир. Бунга қаршилик йўқ, албатта. Улар маълум бир режа асосида, вилоят комиссиясини хабардор қилган ҳолда ишлашганда айни муддао бўларди. Йиғилишда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Феруза Раҳматуллаева, вилоят Давлат санитария ва эпидемиология назорати маркази бош шифокори ўринбосари Баҳром Алматов, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Муҳаммадали Исмоилов ва бошқалар ҳам сўзга чиқиб мавсумни юксак савияда ўтказиш борасидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишди.



Вақт кутиб турмайди. Мавсум бошланишига ҳам саноқли кунлар қолди. Шундай экан, қўлни-қўлга бериб ишланса ва масъулият ҳисси оширилса, мавсум ҳам кўнгилдагидек ўтади.

**Неъмат РАФИҚОВ, «Ishonch» мухбири, Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

# БАРКАМОЛ АВЛОД – МИЛЛАТ ИСТИҚБОЛИ

**— Баркамол авлод орзуси ҳақида ўйлар эканмиз, фарзандларимиз биздан-да соғлом, билимдон ва зукко бўлиши йўлида қўлдан келган барча имкониятлардан унумли фойдалана олишимиз мақсадга мувофиқдир. Мамлакатимизда татбиқ этилаётган «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ҳамда «Соғлом авлод» Давлат дастури бугунги кунда бизни ана шундай мақсадли орзулар сари етакловчи ишончли дастуриламалдир. Ёшларимизни ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлиб, етарли шарт-шароитларда тарбияланишида ёзги соғломлаштириш, оромгоҳларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор.**

Гапнинг сирасига келсак, Ижтимоий ҳимоя йилида вилоятда меҳнаткашларнинг фарзандларини соғломлаштириш, уларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш бош мақсадлардан бирига айланган. Вилоят ҳокимлиги ва вилоят касаба уюшма бирлашмаси ҳамкорлигида болаларимизнинг ёзги соғломлаштириш мавсумини намунали ўтказиш мақсадида қўшма қарор қабул қилинган эди. Унинг ижроси ҳозирда доимий комиссия томонидан қатъий назоратга олинган. Жорий йилги режа бўйича шаҳар ташқарисидаги оромгоҳларда 13.300 нафар, мактаболди оромгоҳларида эса 4500 нафар болажонлар мириқиб дам олишади. Улар сафида кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг 500 нафар фарзандлари, Меҳрибонлик уйларининг 80 нафар тарбияланувчилари ҳам бор.

Бир қарашда осон туюлгани билан кўпни бир мақсадда жамлашнинг ўзига яраша тараддудли томонлари йўқ эмас. Шунинг учун оромгоҳлар моддий техника базасини мустаҳкамлаш, уларни юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар, идиш-товоқ, дори-дармон, спорт анжомлари, озиқ-овқат билан таъминлаш ишларига алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Ҳар бир оромгоҳ учун вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан жонкуяр раҳбарлар бириктиб қўйилган. Мўлжалли саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ «Қизилқумцемент» ОАЖга қарашли «Шабада», «Навоийазот» ОАЖга қарашли «Офтобжон» Навоий тоғ-металлургия комбинатига қарашли «Золотинка», «Горный», «Электрокимё» ОАЖга қарашли «Камалак» оромгоҳлари асосий тайёргарлик ишларини ниҳоясига етказди. Қолган оромгоҳлар ҳадемай азиз дилбандларни бағрига олишга шай ҳолатга келтирилди.

Модомики, мақсад дам олувчилар бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга қаратилган экан, сўлим боғлар, шинам ўйингоҳлар, кутубхонаю кўчма витриналар доимий равишда улар ихтиёрида бўлади. Бадиий, спорт ва бошқа тўгараклар фаолияти қизиқувчилар эҳтиёжлари асосида йўлга қўйилади.

Ҳа, бола дунёга келибдики, давлат ва жамият ҳамда ота-она зиммасига уни соғлом, ақлли, хушхулқли қилиб тарбиялаш вазифаси қўйилади. Жамиятнинг келажаги эса ёш авлодни қандай вояга етказишга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

**Нормурод ХЎЖАҚУЛОВ, Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси**

Касаба уюшмалари ҳаётидан

# ИШ ҲАҚИ – БОШ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

***Доимий равишда иш ҳақи тўловлари кечиктирилган жойда унум бўлмаслиги ўз-ўзидан тушунарли. Шу сабабли корхона раҳбарларининг масъулиятини ошириш, кечиктирилган ҳар бир кун учун товон тўлаш ва бошқа имтиёзларни тармоқ-ҳудудий келишувлари ҳамда жамоа шартномаларига киритиш касаба уюшмаларининг бирламчи вазифасига айланган.***

Хусусан, ўтган йил бу борада иш берувчилар олдига 164 та расмий талабнома қўйилди ва 314,8 миллион сўм қарз ундирилди. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимиятларга киритилган 15 та талабнома хулосаси ўлароқ ундирилган қарздорлик 8,5 миллион сўмни ташкил этди. Шунингдек, ҳуқуқ-тартибот органларига қилинаётган мурожаатлар ҳам яхши самара бераётир. Жумладан, улар шарофати ила ундирилган қарздорлик миқдори 560 минг сўмдан ошди. Пировардида қарз жорий йилнинг апрел ҳолатига кўра ўтган шу даврга нисбатан деярли 100 миллион сўмга камайди.

«Аҳолини иш билан таъминлаш» ҳудудий дастурига биноан 22592 та иш ўрни яратилди. Шу ўринда кўзланган мақсадлардан бири Президентимизнинг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига кўра касаначиликни ривожлантириш, аҳолини муқим иш ўрни билан таъминлашдан иборатдир. Ўтган йилда 3141 та касаначилик иш ўрни ташкил этилган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида 463 киши ишга жалб этилди.

Шулардан 97 нафар касаначи вилоят Зафаробод пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятида, 125 киши «Дўстлик Дон» корхонасида, 110 нафари эса «Зилола-текс»да фаолият кўрсатишаётир.

**Илҳом ТУРСУНОВ, Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ижтимоий ҳимоя бўлими мудири**

Ислоҳот инсон учун

# «МИКРОКРЕДИТБАНК» ХИЗМАТИНГИЗГА МУНТАЗИР

***Банк-молия тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш энг муҳим масалалардан бири сифатида эътироф этилаётгани бежиз эмас. «Микрокредитбанк» Қорақалпоғистон филиали фаолияти бунга бир мисол.***

— Бизга олдинлари мижозларимиз фақат кредит сўраб мурожаат қилишарди, — дейди банк бошқарувчиси Дилбар Хўжаниёзова. — Мурожаат қилувчиларнинг аксарияти кредит тўғрисида айтарли тушунчага ҳам эга эмасди. Фирма ишини юритиш учун кредит олиш эмас, кредит олиш учун фирма очиш ҳолларига дуч келганмиз хатто. Улар кредит олсам бас, деб ҳисоблашарди. Бу эса бизга ҳам, мижозларимизга ҳам ноқулайликлар туғдирарди. Шундай тушунмовчиликларга барҳам бериш мақсадида тадбиркорлар ўртасида семинарлар ўтказишни йўлга қўйдик. Ўтказилган семинарларда микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш тартиби, тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, касаначилик билан шуғулланувчилар, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари томонидан микрокредитлар олиш учун бизнес режалар тайёрлаш босқичлари тушунтирилди. Бу семинарларга, айниқса, хотин-қизлар кенг жалб қилинди.

Саъй-ҳаракатлар бугунги кунда ўз натижасини кўрсатмоқда. Ўтган йили «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки Қорақалпоғистон филиаллари томонидан 1387,4 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Жумладан, банк маблағлари ҳисобидан кўрсатилган ва микролизинг хизматлари миқдори 953,9 миллион сўмни ташкил этди. Ушбу кредитларнинг 150,4 миллион сўми бошланғич сармояни шакллантиришга, 529,6 миллион сўми бизнесни ривожлантириш (кенгайтириш) ва айланма маблағни тўлдиришга, 270 миллион сўм микролизинг хизматларига йўналтирилди. Аёл тадбиркорларга ажратилган кредит миқдори 300 миллион сўмни ташкил қилди.

Банк томонидан ажратилган кредитлар ҳисобига 710 та янги ишчи ўринлари яратилди. Иш билан таъминланганларнинг 410 нафари эса аёллардир.

Елена Галимова «Микрокредитбанк» кредити асосида ўз фаолиятини янада ривожлантиришга муваффақ бўлганлардан. Унинг «Мованас» фирмаси 2002 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Фирма аҳоли талабларидан келиб чиққан ҳолда арзон ва сифатли мебел ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Ўтган йили банк унга айланма маблағни тўлдириш, бизнесни ривожлантириш учун ўн тўрт фоиз йиллик устама билан икки йил муддатга 5 400 минг сўм кредит ажратди. Кредит асосида фирмада 3 янги иш ўрни яратилди. Қолаверса, маҳсулот сифати ошди, нархи арзонлашди. Фирма маҳсулотларидан эндиликда нафақат нукусликлар, балки бутун Қорақалпоғистон аҳли бажонидил фойдаланмоқда.

— Мен ҳам «Микрокредитбанк» мижозиман. Банкдан ўтган йили бошланғич сармояни шакллантириш учун ўн саккиз ой муддатга йиллик беш фоиз устама билан 540 минг сўм микрокредит олдим, — дейди хусусий тадбиркор Жўрабек Айтбоев. — Тўрткўл шаҳрида аҳолига маиший хизмат кўрсатаман. Микрокредитга кийим-кечак тикиб сотиш учун керакли газламалар ва дазмоллаш комплектини харид қилдим.

Нукус шаҳрида жойлашган «Данияр-Бий» кўп тармоқли хусусий фирмаси асосан туз маҳсулотларини қайта ишлаш ва йодлаш билан шуғулланади.

— 2004 йилдан буён фаолият кўрсатамиз, — дейди корхона раҳбари Байрамсаат Абатов. — Ўтган йили «Микрокредитбанк»дан бизнесни ривожлантириш мақсадида икки йил муддатга 14 фоизли устама билан уч миллион сўм кредит олгандим. 8 янги иш ўрни очдим. Тузимиз сифати янада ошди.

Умуман, мижозларнинг аксарияти банкдан миннатдор. Банк қишлоқ жойларда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш учун қўшимча имконияларни таъминлайдиган минибанклар ва агентликлар тизими орқали молиявий инфратузилмани янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Республикада 4 та минибанк ва 4 та агентлик фаолияти йўлга қўйилди.

— Бугунги кунда ҳам мақсадли кредитлар ажратиш давом этмоқда, — дейди банк бошқарувчиси. — Асосан тикувчиликни ривожлантириш, маиший хизмат кўрсатиш, кондитер ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишлари бўйича асбоб-ускуналар ва хом-ашё хариди ҳамда чорвачиликни ривожлантириш учун ажратмоқдамиз. Йил давомида 1 792,1 миллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратиш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш режалаштирилган.

**Улли БОБОЕВ, «Ishonch» мухбири**

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

# ОЛТИН ОЛМА, ДУО ОЛ

***Сирдарё иссиқлик энергияси станцияси раҳбарининг ўринбосари Саидбек Ёрибеков билан учрашиб, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури қандай бажарилаётгани билан қизиқдик.***

— Аввало, корхонамизда дастурни бекаму кўст амалга ошириш бўйича гуруҳ тузилганига эътиборингизни қаратмоқчиман, — деди у. — Аъзолар таркиби масъул ходимлар ва жамоатчилик вакиллари ҳамда меҳнат фахрийларидан иборат.

Бугунгача ногиронлардан 55 кишига 1 миллион 661 минг 380 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Масалан, Нина Евсеева ёлғиз яшовчи нафақадор. Боз устига у қандли диабет билан касалланган. Қани айтинг-чи, уни шу ҳолида ташлаб қўйиб бўладими? Яна бир ишчимиз Х. Саримсоқова етим қолган набирасини тарбиялаяпти. Унга ҳам 63300 сўмлик маблағ ажратилди.

Шунингдек, II гуруҳ ногиронлари Т. Ан, Ш. Эшонқулов ва М. Охуноваларнинг ҳар бирига салкам 25 минг сўмдан моддий ёрдам берилди. Нафақадорлардан Т. Халилова, Н.Сиддиқова ва С.Турдибековалар 24840 сўмдан моддий ёрдам билан қўллаб-қувватланди.

Корхонада узоқ йиллар ишлаб, нафақага чиққан 149 нафар собиқ ходимлар ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Тарихий саналар арафасида уларнинг ҳолидан хабар олиб туриш анъанага айланган.

Нурхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси Гулистон шаҳрида жойлашган 27-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Раиса Фотинани оталиққа олган. Унга 300 минг сўмлик кийим-кечак туҳфа қилинди.

Ёдингизда бўлса, ўтган йили Катар давлатининг Доҳа шаҳрида бўлиб ўтган Осиё ўйинларида Ширин шаҳридан борган академик эшкак эшиш усталари маррани биринчи бўлиб забт этишганди. Мустақил Ўзбекистон давлат байроғини ҳам биринчилардан бўлиб улар баланд кўтариш бахтига муяссар бўлишганди. Мазкур клуб аъзолари — эшкакчилар Руслан Наврўзалиев ва Владимир Черненколар бугун Сирдарё воҳаси спортчилари фахрига айланган.

Станция маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси «чўққини забт этиш осон, лекин уни сақлаб қолиш ҳам керак» нақлига амал қилиб, спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратишаяпти. Тасарруфимиздаги «Энергетик» спорт клуби ҳисобига 16 миллион 554 минг сўмдан ортиқ маблағ ўтказилди.

Ижтимоий ҳимоя йили дастури доирасида тузилган тадбирларда Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари ва фронт ортида меҳнат қилган фуқаролар ҳам бор. Уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида корхона маъмурияти «Нуроний» жамғармасининг Ширин шаҳар бўлими ҳисоб рақамига салкам ярим миллион сўмлик маблағ ўтказди.

Бундан ташқари, тиббиёт-санитария қисмида беморларни малакали ва сифатли даволаш ҳам дастурга киритилган. Ҳомийлик мақсадида нурчилар томонидан шифохона ҳисобига 6 миллион сўм миқдорида маблағ ўтказиб берилди. Мазкур маблағ тиббиёт-санитария қисмининг юқумли касалликлар бўлимини таъмирлашга йўналтирилди.

Савобга нима етсин. У берганнинг руҳини кўтарса, олганнинг оғирини енгил қилади.

**Пиримкул ДЎСТМАМАТОВ, «Ishonch» мухбири**

Қарор ва ижро

# ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЯХШИЛАНАЯПТИ

***«Автомобил транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги ҳукумат қарори бу борадаги муаммоларни ҳал этиш учун кенг йўл очмоқда. Ўтган даврда Тошкент вилоятида олиб борилган ишлар кўлами жуда кенг. Вилоят ДСБ Жисмоний шахсларни солиққа тортиш ва назорат қилиш бўлими ходими Ўткир Ибрагимов бу ҳақда шундай дейди:***

— Қарор қабул қилинганидан кейин даставвал уни кенг жамоатчиликка етказишга ва тарғибот-ташвиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Туман ва шаҳарларда 37 марта семинар-йиғилишлар ўтказилди.

Амалий ишлар хусусида тўхталадиган бўлсак, режага асосан, ички ишлар ва солиқ органлари ходимлари ҳамкорлигида 4500 та транспорт воситалари текширувдан ўтказилиб, 981 ҳолатда ҳуқуқбузарлик аниқланди. Уларга нисбатан 52334 минг сўм миқдорида маъмурий ва 10705 минг сўм молиявий жарималар қўлланилди. Шунингдек, 29 нафар ҳуқуқбузарларга нисбатан қонуний чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга ҳавола этилиб, 9 тасига жиноий иш қўзғатилди.

Жумладан, текширувлар жараёнида Бекобод туманидан Иқбол Бозорбоев, Пскент тумани фуқароси Олим Рискелдиев, юқоричирчиқлик Жиянбек Дусенов ва оққўрғонлик Салимжон Маматқуловлар такроран ҳуқуқбузарлик ҳолатларини содир этганликлари аниқланиб, уларга нисбатан ЖКнинг 109-модда, 1-қисми билан жиноий иш қўзғатилди.

Текширувлар бу борада ўз манфаатидан келиб чиқиб иш юритаётганлар кам эмаслигини кўрсатди. Шу боисдан пойтахт вилояти Давлат солиқ идоралари жамоаси жойларда тушунтириш ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратган. Самараси чакки эмас. Ўтган ойда қонунбузилиш ҳолатлари қайд этилмади. Аксинча, талабларга риоя этган ва фаолиятини энди бошлаган ҳайдовчилар туман солиқ бўлимларига келиб, мутахассислардан маслаҳатлар олишаяпти. Бўка, Чирчиқ, Паркент ва Олмалиқда бу борада кўплаб ибратли ишлар амалга оширилаётгани айниқса, қувонарлидир.

**Бахтиёр АЗИМОВ, Тошкент вилояти ДСБнинг Ахборот хизмати бошлиғи**

## ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР

Қувасой шаҳридаги «DELKONS» Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган шарбатлар ва қадоқланган маҳсулотларга талаб катта. Ҳозир маҳсулотлар Россия, Украина ва Жанубий Корея давлатларига экспорт қилинаяпти.

Ўтган йили 17 та агрофирма ҳамда 80 та фермер хўжалигидан қабул қилинган мевалар қайта ишланмоқда.




**Суратда: ишчи Одина Мамадалиева**

**М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат**

# УЛУҒ ЗОТГА ЭҲТИРОМ

***Буюк бобокалонимиз Баҳоуддин Нақшбанднинг устози бўлган Ҳазрат Саййид Амир Кулол ҳаёти ва фаолиятидан кўпчилик хабардор. Улуғ зотнинг чевараси Мавлоно Шаҳобиддиннинг «Мақомоти Амир Кулол» асарида келтирилган маълумотларга кўра, кулолчилик ҳунари билан ҳаёт кечирган Саййид Амир Кулол Сухор қишлоғи (ҳозирги Когон туманидаги Янги ҳаёт қишлоғи)да 1305 йилда таваллуд топиб, 1370 йилда вафот этган ва шу ерда дафн этилган.***

Айни кунларда муборак зиёратгоҳда кенг кўламдаги бунёдкорлик ва ободончилик ишлари давом эттирилмоқда. Қўли гул усталар Бухорога хос анъанавий архитектура услубида янги мақбарани тиклашаяпти. Шунингдек, дид билан ишланган дарвоза, китоб ва совғалар дўконлари, гулзорлар, равон йўл ва йўлаклар бунёд этилмоқда.

Хайрли ва савоб ишларда ўнлаб техника ва транспорт воситалари, корхона ҳамда ташкилотлар вакиллари, тадбиркорлар, саховатпеша инсонлар фаол қатнашиб, улуғ зотга ҳурмат-эҳтиром бажо келтирмоқдалар.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири**

## ХОНОБОД СПАГЕТТИЛАРИ

**Хонобод шаҳридаги “Имконият келажак” акциядорлик жамияти янги макарон цехини ишга туширди.**

Бу ерда Япониянинг “Судзуки” компанияси ишлаб чиқарган янги асбоб-ускуна ёрдамида ўзининг алоҳида сифат кўрсаткичлари билан ажралиб турувчи спагетти ишлаб чиқарилади.

Шунингдек, корхона ярим тайёр маҳсулотлар ҳамда Шарқ ширинликлари ишлаб чиқаришни режага киритган. Ёзнинг иссиқ кунларида эса шифобахш хусусиятга эга бўлган минерал сув ихчам идишларда сотувга чиқарилади.

## ТОЛАДАН ТАЙЁР МАҲСУЛОТГАЧА

**Олтинкўл туманида яна бир қўшма корхона — “Олтинкўлтекстиль” иш бошлади.**

Унга “Евро-англо” компаниясининг 3,2 миллион доллар сармояси киритилган бўлиб, замонавий тўқимачилик, ранг бериш, қуритиш station станоклари ва ускуналари ўрнатилди.

Корхонанинг йиллик қуввати жаҳон стандартларига жавоб берувчи 1,35 минг тонна маҳсулот тайёрлаш бўлиб, 224 нафар киши мунтазам иш билан таъминланади.

**“Туркистон-пресс”**





# ҒАЛЛА ЎРИМИ БОШЛАНДИ

*Жорий йилда ангорлик ғаллакорлар 6406 гектар майдонда ғалла етиштирди. Айни чоғда ғаллазорларда ўрим-йиғим мавсуми бошлаб юборилди.*

*Мавсумга туман машина-трактор парки жамоаси кўнгилдагидек тайёргарлик кўргани боис ўрим-йиғим ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Механизаторлар саккиз гуруҳга бўлиниб, икки сменада ишлашмоқда.*

**Суратларда: (чапдан) фермер Бегмат Дониев ва комбайнчи Исмоил Турдиев; ғаллазорда.**

**И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

# МАСЛАҲАТХОНА

**САВОЛ: 2006 йилнинг феврал ойида автомашинани бошқариш учун оддий қоғозли ишончнома олиб, уни 2006 йил 31 декабргача қайта расмийлаштирмаган эдим. Уни янгисига алмаштириш учун рухсат берилгани ростми? Агар мумкин бўлса қачонгача, қай тартибда алмаштиришим мумкин?**

**Б. ИБРАГИМОВ,**
**Тошкент шаҳри**

**ЖАВОБ**: 2007 йил 4 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Автотранспорт воситаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқига ишончномаларни гербли (махсус) бланкаларда қайта расмийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 91-сонли қарори қабул қилинди, унга кўра Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартдаги 38-сонли қарори янада тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, автомототранспорт воситалари эгалари ва ҳайдовчиларнинг истакларини ҳисобга олиб, (аввалги 2006 йил 1 июлгача) қайта расмийлаштириш 2007 йил 1 июлгача амалга ошириладиган бўлди.

Ишончномалар гербли (махсус) бланкаларда қайта расмийлаштирилганлиги учун давлат божи ундирилмайди;

Қайта расмийлаштириш учун ишончнома ишонч билдирувчи ёки ишончли вакил томонидан паспорт кўрсатилган ҳолда олдин расмийлаштирилган нотариал идорага тақдим этилади.

**Улуғбек СОБИРОВ,**
**Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани**
**7-сонли Давлат нотариал идораси нотариуси**

## ✓ Орамиздаги одамлар

# ҲИММАТБАРДОР

***Ғайрат ака далаларни айланиб, кўнгли тоғдек кўтарилди. Тонгги шудрингда ялтираб, кўзни олгудек товланаётган буғдойзор, бўлғуси мўл ҳосилга куч тўплаётган экин майдонлари...***

***Табиатнинг сеҳрли қўли билан бунёд этилган барча неъматлар инсонга завқ бағишлайди. Ҳовлисига кирганида, жажжи набираларининг шодон қийқириқлари уйни тўлдириб юборган эди.***

— Бунча вақтли туришмаса, зумрашалар, — деди отахон. — Бобосига тортганда, — ўзича фахрланиб ҳам қўйди.

— Бобожоним келдилар...

Бирин-кетин неваралари Асадбек, Севинч, Маржона, Асилбек, Асилалар буваларининг қучоғига отилиб, «ачом-ачом» қилишди. Кичкинтойларнинг болаларча ҳаракатини мийиғида кулиб кузатиб турган ўн уч ёшли Бахтиёр бобоси билан қўл бериб кўришди.

«Анча тўлишибди» кўнглидан ўтказди Ғайрат ака йигитлик йўлига кирган бақувват қишлоқ боласига фахрланиб боқар экан. — Илоҳо, кўз тегмасин!

Отахоннинг икки ўғил, икки қизи, бир-биридан ширин олтита набираси бор. Каттаси Бахтиёр каратэ бўйича тенгдошлари ўртасида Ўзбекистон чемпиони. Болалари келса, отанинг бағри тўлади, дунё ташвишларини бир дақиқа бўлса ҳам унутади.

Эрталабки нонуштада серқаймоқ ширчойни ҳузур қилиб ичаётган набираларига қараб туриб, хаёлига бир фикр келди:

— Онаси, — деди умр йўлдоши Мавжуда опага. — Молхонадан сариқ сигирни олиб чиқ. Эрталаб бир хайрли ишга қўл урайлик.

Уй бекаси эрининг фикрини уқди шекилли, говмишни етаклаб келди. Катта ўғли Зуҳриддин билан қишлоққа йўл олдилар. Ота-бола боқувчисини йўқотган серфарзанд Сожида Ҳасанова хонадонига кириб келганларида, оилада байрам бўлиб кетди. Кўзларида қувонч ёшлари халқаланган Сожидахон ҳам, катта говмишни кўриб ҳайратланган болакайлар ҳам миннатдорчиликларини қандай қилиб изҳор этишларини билмасдилар.

Эзгу ишнинг баракаси бўлади, дейдилар. Шу куни Ғайрат ака Бўстон қишлоғида яшовчи кам таъминланган Ўрол Бердиев ва Жарариқлик Ўткир Хушвақтов оиласига ҳам бир бошдан соғин сигир олиб бориб берди.

«Қашқадарё вилояти, Ғузор туманидаги фермер хўжалиги раҳбари Ғайрат Пўлатов йил давомида 50 та оилага ҳомийлик ёрдами кўрсатган, шу билан бирга, кам таъминланган оилаларга 4 бош соғин сигир олиб берди».

Президентимиз Ўзбекистон Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида ҳамюртларига беғараз, беминнат ёрдам кўрсатаётган бир гуруҳ олиҳиммат инсонлар қаторида Ғузор туманидаги «Шоймардон Пўлат ўғли» фермер хўжалиги раҳбари Ғайрат Пўлатовнинг номини ҳам тилга олдилар. Мустақиллик шарофати билан хусусий мулк эгаси бўлган оддий қишлоқ фарзанди тадбиркорлиги туфайли ҳурмат-эътибор қозонди. Қишлоқ заминдори ўзи бошчилик қилаётган жамоа эҳтиёжидан орттириб, қийналган кишиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, мушкулларини осон қилмоқда.

Бундан уч йил муқаддам, «Бўстон» ширкат хўжалигидан 93 гектар сувли ер, 80 гектар яйлов олиб, фермер хўжалиги тузди. Тоғли-тошли жойларни ўзлаштириб, мевазор боғ яратди. Ўтган йили икки нафар қўшни фермерлар ҳам ўз ихтиёрлари билан жамоага қўшилдилар. Ер майдонлари 330 гектарга етди. Шундан 175 гектари суғориладиган ерлар. Бултур 33 гектар майдонда янги боғ барпо этилди. Пахта ва ғалладан юқори ҳосил етиштирилиб, 120 миллион сўм соф фойда олинди.

Отаси ҳам эл оқсоқолларидан ҳисобланган Ғайрат ака 54 баҳорни қарши олаяпти. Падари бузруквори, ўзининг эзгу ишлари билан ҳаётда яхши ном қолдириб кетган Шоймардон бобо ва ҳозирги пайтда бахтли кексалик гаштини сураётган волидаи муҳтарамаси Норбиби момоларнинг дуолари ижобат бўлиб, ҳаёт йўлларини ёритиб турибди.

— Меҳр-саховатли одамларнинг олижаноблиги ўзгалар хонадонини қуёш нури каби мунаввар этади, — дейди Пачкамар қишлоқ фуқаролар йиғини раиси А.Абдужалилов. — Олижаноб фермер кам даромадли, боқувчисини йўқотган оилаларга 2,2 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини хайрия сифатида тарқатди. Марказий шифохона «Тез тиббий ёрдам» бўлимини таъмирлашга фермер хўжалиги ҳисобидан 10 миллион сўм маблағ ўтказиб берди. Бундан шифокорлар ҳам, беморлар ҳам миннатдор.

Эл-юрт манфаати йўлида қилинган хайрли ишлар ҳеч қачон бесамар кетмайди. «Яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир» деганларидек, меҳри дарё, кўнгли дунё Ғайрат Пўлатовнинг савобли амаллари Юртбошимиз томонидан муносиб баҳоланди. Ғайрат ака давлатимиз ҳисобидан муқаддас Ҳаж сафарини адо этиб қайтди. Бундай ҳимматдан ҳожи бобонинг боши осмонга етган. Барча ҳожилар қатори у ҳам давлатимиз раҳбари ҳамиша соғ-саломат бўлишини, юртимизда тинчлик ва осойишталик қарор топишини Аллоҳдан сўраб, ҳар тонгда дуога қўл очади.

— Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, деҳқоннинг елкасига офтоб тегди, — дейди Ғайрат Пўлатов қувонч билан. — Она заминни қанчалик эъзозласанг, у сенга қулфи дилини очади, хазиналар сандиғида борини тортиқ этади.

Тажрибали тадбиркор 22 гектар майдонда ўрикзор боғ ташкил этиб, Пачкамар қишлоғи яқинида чойхона қуриб, атрофига минг туп манзарали, 5 минг туп мевали дарахт кўчатлари ўтказди. Қишлоқдаги «Ҳазрати Мерижанда ота» зиёратгоҳини қайта таъмирлади. «Шокир» кўп тармоқли хусусий фирмасини ташкил этиб, учта газ ташиш ва қуйиш махсус механизми сотиб олди. «Ғузор-Деҳқонобод» автомобил йўли трассасидан ўтаётган машиналарни газ билан таъминламоқда. Бўстон массивида 200 бош майда ва 100 бош қорамол учун бўрдоқичилик мажмуаси қуриб битказилди. 40 та ишчи ўринли тикувчилик ва сутни қайта ишлаш миницехи қурилиши ҳам ниҳоясига етказилди.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# ДАРСЛИКЛАР ТЎЛА ЧОП ЭТИЛАДИ

**Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази ташкил этилиши ўқувчи-ёшларни ўқув адабиётлари билан тўлиқ таъминлашда муҳим омил бўлди. Дарсликларнинг янги авлодини босмага тайёрлаш билан яқиндан иш олиб бораётган ушбу марказ маълумотларига кўра, бугунги кунда 269 та фандан ўқув адабиётлари яратилмаган.**

Ана шу бўшлиқни тўлдириш мақсадида марказда малакали мутахассислардан иборат ижодий гуруҳ тузилди.

Давлат таълим стандартлари, янги қўйилган талаблар асосида чоп этиладиган ўқув адабиётлари белгиланган тартибда бирин-кетин босма юзини кўради. Электрон ўқув дарсликларидан бир нечтаси нашр қилинади.

Янги 2007-2008 ўқув йили бошлангунча юқорида айтилган ўқув адабиётларининг аксарияти сотувга чиқарилади.

**Акбар АЛИЕВ**

**(Боши ўтган сонларда)**

Тўғри, илгари ҳам, ҳозир ҳам Бекмирзанинг ёшида кўркам аёлни севиб қолган, хотин устига хотин олган кишиларнинг сон-саноғи йўқ. Яқинда Солиҳа айтиб қолувди: қайси бир катта немис шоири етмишдан ошганда ёш жувонга кўнгил қўйган ва ҳатто ишқ кўйида бутун бир роман ҳам ёзиб ташлаган экан. Лекин барибир ўғил уйлаб, қиз чиқарган, неварали одамнинг кўнгил хоҳишига бўйсуниб, янги рўзғор тутиши фавқулодда ҳодиса. Бир чеккаси... уят ҳам! Агар турмуш ўртоғи вафот этган бўлса, бошқа гап... Лекин Бекмирзанинг тутган йўлини ҳеч ким, ҳеч қачон оқламайди! Ё худо, бу не сир, не куч бўлдики, камолга етган, катта ҳаётий тажриба тўплаган, пишиқ-пухта бир инсонни йўлдан оздирди, ҳаётини чирпирак қилиб ташлади?! Уч-тўрт йил аввал Бекмирза шу ҳолга тушаман, дея туш ҳам кўрмаган эди, ахир... Мана шундай чигал ўйлар гирдобида қолган Бекмирза яна Санкт-Петербургга кетиб юборди...

Орада бир-икки Солиҳага қўнғироқ қилиб, ёнига келишга ундади. Лекин Солиҳа кўнмади. оилавий аҳволини баҳона қилди. Бироқ гап-сўзларидан унинг Бекмирзадан хафалиги сезилиб турарди. Икки ойдан кейин Бекмирза яна қайтиб келди. Солиҳа... Бекмирза сафардан қайтиши арафасида Москвага — акаси ҳузурига йўл



# Алишер ИБОДИНОВ
# СОҲИЛ ЯҚИН, ЯҚИН...
## (Қисса)

олибди! Ҳолбуки, Бекмирза қайтаётганини билдириб қўнғироқ қилган, лекин Солиҳа Москва сафари тўғрисида лом-мим ҳам демаган эди...

Сафар анжомлари билан «висолхона»га кириб келган Бекмирза шу хабарни эшитгач, ўрнига чўкиб қолди. Санкт-Петербургдан аввалги қайтиб келишидан сўнг «висолхона»даги ижарачини чиқаришган, хона яна ўзларига қолган эди. Бир ҳафтагача шу уйдан чиқмай, ичиб ётаверди. Охири нимадандир хавотир бўлиб, бу ердан хабар олгани келган Моҳигул соқоллари ўсиб кетган, исқирт, маст-аласт эрини хона бурчагидаги диван устида харракдек қотиб ётган ҳолда учратди. Санкт-Петербургдан келтирган нарсалари, авиа билетини кўздан кечириб, Бекмирзанинг бир ҳафта илгари она шаҳрига етиб келганини билди-ю, ифлос ва аянч бир ҳолда диванда хуррак тортаётган бу одамга нисбатан юрагида кучли ва чексиз нафрат ҳисси жўш урди. Қариганда нима қиляпти ўзи бу одам?! Жинни-пинни бўлганми ё?

Хотининг, бола-чақанг, туппа-тузук оиланг кўз ўнгингда турса-ю, бу нима мажнунлик? Моҳигул аламдан тишларини ғижирлатди, кўз ўнги хиралашди. Газ қозон ёнида қорайиб, тўнтарилиб ётган қуймоқ пиширғични қўлига олди... Ҳозир бир урса, шу аҳмоқ каллани пачақлайди, ифлос мия қусуқдай оқиб чиқади...

Бир муддат шу аҳволда карахт бўлиб турди-ю, кейин шайтонга ҳай берди...

— Туринг ўрнингиздан, ҳой..., алкаш! — Моҳигул умрида илк марта эрига шундай муомала қилаётганди, — артинг... оғзингизни!

Бекмирза мастларга хос тарзда анча бақириқ-чақириқ, турткилардан сўнг аранг қовоғини очди.

— К...ким? ...Ҳа... С-сенмисан? — у шундай дея бамайлихотир ўнг ёнбошига ағдарилди. Аммо Моҳигул ҳам ғазабга тўлган, қанча уринмасин ўзини босолмасди. У чопқиллаб ваннахонага кирди-ю, бир челак муздай сув кўтариб чиқиб Бекмирзанинг устига сепди! Бекмирза чаён чаққандай сапчиб ўрнидан турди.

— Ҳой! Ҳой! Нима қиляпсан?

— Э, одамнинг ҳар нима бўлгани яхши! Нима қилиб ётибсиз бу ерда? Бола-чақа, уй-жойнинг сариқ чақалик қиммати йўқ эканда сизга?.. Анави қанжиқдан ўзга ҳеч нимангиз қолмадими?

Бекмирза бирдан ақлини йўқотди... Ҳуши жойига келганда, аёвсиз калтакланган, тепилган Моҳигул хона бурчагида қонга беланиб ётарди... У шаҳд билан кийинди-ю, ташқарига чиқиб кетди...

Кечқурун маст ҳолда уйига кириб келди. Ҳеч ким уни кутиб олмади. Бирорта дераза очилиб, бирор киши «ким келди экан?» деб ҳам қўймади. Эрталаб кеч уйғонди. Ҳовли жим-жит, болалар ўқишга, катталар ишга кетишган... У ўрнидан туриб ташқарига йўналди. Атроф сокин, баҳор яқинлашиб қолган эса-да, ҳали қиш ўз кучини йўқотмаган. Бекмирза анчадан буён ҳовлини ҳам айланмаган эди. Хурмо боғи ортида молхона бор. Бир пайтлар Бекмирза бу ерда бир вақтнинг ўзида икки-уч бош йирик ола-қора новвослар боқарди. Йилига икки тоннадан ортиқ гўшт тайёрлаб сотарди шу молхонадан...

У аста молхонага кирди. Қоронғироқ бурчакда ётган ҳайвон ўрнидан қўзғалди ва туриб деразадан тушаётган нур оқимига чиқди. От! Қорабайир от! Мунча кўркам бўлмаса, бу тулпор?

Бекмирза илгари умрида отга ишқибозлик қилган эмас, от ҳам боқмаган эди. Лекин шу лаҳзаларда негадир ўзини эски чавандоздай, тулпор боққан одамдай ҳис қилди. Отга яқинлашиб аста ёлларини, сиртини силади. Бақувват қорабайир туёқларини ерга ура-ура бошини қуйи солинтирди...

Қора тулпор Тоҳирга қарашли, лекин уйда қаров яхшимаслигидан гижинглаган от бир мунча хомуш бўлиб қолган эди. Бекмирза шу кундан бошлаб астойдил от парваришига берилди...

* * *

Солиҳа таътил муддатини тўлиғича Москвада, акасининг уйида ўтказди. Қирқ-элликдан ошган одамлар учун хоҳлайсизми-йўқми Москва барибир кўнгилга яқин, кўпдан-кўп, ширин ва аччиқ хотиралар билан боғлиқ шаҳар... Гарчи Солиҳа бу ерда ўқимаган ва ишламаган эса-да, раҳматли эрини даволатиш ниятида тўрт-беш бор келган, бир сафар эса бир ойча шу ерда яшаган ҳам эди. Албатта, Москва жуда ўзгариб кетган, у бутунлай бошқа қиёфа касб этган. Акасининг фарзандлари билан ўтказилган кундалик Москва саёҳатлари, театрлар, цирк томошалари ҳар ҳолда уни бироз овутди, Бекмирза билан муносабатлари туфайли юрагида пайдо бўлган чигаллик хиёл ёзилгандек бўлди. Аммо уни ўйламаган, эсламаган бирор куни, бирор соати йўқ эди. Қаерда бўлмасин, қаерда юрмасин Бекмирза ҳамиша хаёлида, бирор нарсага харидор бўлса ёки бирор нарса ёқиб қолса, дарров кўнглидан «Бекмирза ака нима деркин?» деган фикр ўтарди.

Лекин бирор марта ҳам Бекмирзанинг қўнғироқларига жавоб бермади. Ўзи ҳам қўнғироқ қилмади... Таътилдан қайтиб келгач, биринчи куниёқ аяси:

— Анавининг ҳар куни сўрайди... Келдим, деб қўй ҳеч бўлмаса, — дея минғирлади. Бироқ Солиҳа келганини Бекмирзага хабар қилмади.

Эртаси ишга чиқди. Тушликка яқин телефон узоқ жиринглади. «Бекмирза ака!» дея юраги шув этди. Чиндан ҳам Бекмирза экан. Овозларидан ҳаяжонланганлари сезилиб турса-да, лекин бамайлихотир саломлашишди. Ўзаро ҳол-аҳвол сўрашди. Сўнг Бекмирза:

— Бугун «висолхона»га келасизми? — деб қолди.

— Йўқ, — ўз овозининг қатъий, айни пайтда босиқлигидан Солиҳанинг ўзи ҳам ҳайрон қолди. — Мен у ерга қайтиб бормайман. Ўша куни қизингизнинг оғзидан эшитган ҳақоратлар менга бир умрга татийди!

Бекмирза миқ ҳам эта олмади...

* * *

Отасининг Тоҳир қўлига тасодифан келиб қолган зотдор қорабайир билан астойдил шуғулланиб қолиши уйдагиларни ажаблантирди. Бу от эгаси Тоҳирдан олган қарзини уза олмай эвазига зотдор отини бериб юборган, бироқ бу хонадонда ҳеч қачон от парваришланмаганлиги боис асл тулпор худди қорамол ёки қўй каби боқиларди. Бекмирзанинг от билан шуғулланишига бироз ҳайратланишса-да аммо қаршилик кўрсатишмади. Моҳигул ўша калтакланган кундан буён Бекмирза билан гаплашиш у ёқда турсин, юзига ҳам қарамас, Севара эса аввалгидан-да ашаддий ёвга айланган эди.

**(Давоми бор).**

## ✓ Афсус

# ҚОТИЛ ҚЎШНИ ёхуд НИЗО ҚУРБОНЛАРИ

***Уни ҳамма Қоработир дер эди. Қўшнисини Тўра полвон деб улуғлашарди. «Полвон» кечқурун «қора»нинг уйига кирди. Хуморидан чиқиб Сарви момони сўкди. Сал силтаб ҳам ташлади. Алами бор эди-да. У ўғлига нолиди. Ўғли тегишли жойга ариза қилди.***

Жамиятда юриш-туриш қоидаларини менсимасдан С. Гуллиевани ҳеч бир сабабсиз ҳақорат қилиб, дўппослагани учун унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди. Аммо амнистия актига мувофиқ айблилик масаласи ҳал қилинмай туриб жиноят иши тугатилди. Шундай қилиб жазодан қутулиб қолди.

Илк баҳор эди. Қўшнининг чилдирмаси полвоннинг уйқусини бузди. Сумалак қилишаяпти. Ўрнидан турди, сўкинди. Ҳовлига чиқиб, дуч келган тошми, кесакми олиб, қўшни тарафга улоқтирди. Аризабозлик бўлди. «Дело» терговга қилинди. Энди Тўра Тўраев ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми «в» ва «г» бандлари билан айбли топилиб, суд ҳукми билан 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Жазони ўтаб ҳам чиқди.

Органга ариза тушди. Тўра Тўраевнинг, яъни полвоннинг уйидан бир дона магнитофон ва 100 минг сўм пул ўғирлаганлиги, ўғриликни Ботир Қораев, яъни «қора» содир қилган бўлиши мумкинлиги кўрсатилди. ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми «г» банди билан жиноят иши қўзғатилди. Аммо жиноят ким томонидан содир этилганлигини тергов аниқлай олмади. Шубҳа тасдиқланмади. Шу сабабли ЖПКнинг 364-моддаси 1-қисми 1-банди билан иш бўйича айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаганлиги учун жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилди.

Икки оила ўртасида зиддият кучайган сари кучайиб бораверди.

Бир куни Ботир Қораевнинг отаси Чори бобо кўчадан ўтаётса, Т. Тўраев «Эй, ўғри, яна уйимга кирасанми?» деб оёғи остидаги ғишт бўлагини олиб отди. Бобонинг бошига жароҳат етди. Тўра Тўраевга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан айбли топилиб, суд ҳукми билан 3 ой қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Орадан икки йил ўтди. Қоработир спорт билан шуғулланиб, билаклари қувватга тўлди. «Бирор душманим дуч келса, бир уриб пачағини чиқарсам», деган хаёлда мускулларини ушлаб-ушлаб қўярди.

Спорт залидан қайтаётганда уни қаматмоқчи бўлган «полвон» велосипед етаклаб кетаяпти. «Онамни ҳақоратлади, отамни урди. Дўппослаш қандай бўлишини бир кўрсатиб қўйишим керак. Э, қўй, жазосини олди-ку». Ёнидан индамай ўтиб кетди. Изидан «Эй, ўғри, онангни...» деган ҳақоратни эшитди. Орқасига қайтиб, душманни уришга чоғланганда у велосипедни ташлаб қочиб қолди. Қувди. Етиб келиб, йиқитиб олди. Урди. Урди. Юз-кўзига роса тепди.

Ботир Қораев ўта шафқатсизлик билан жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатда қасддан одам ўлдирди.

Жаҳл чиқса, ақл кетади, дегани шу бўлса керак-да. Шундай ҳам қиладиларми? Судга оид тиббиёт экспертизаси хулосасига кўра, унинг ўлими бошининг пешона, энса, ияк, пастки лаб соҳаси эзилиб йиртилиши, ... чакка бўйин соҳалари тери ости ва мушакларига, ... мия пардаси ва тўқимасига қон қуйилиши, тил ости суяги ва қалқонсимон тоғайи синиши... оқибатида юз берган.

Ботир Қораев Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «ж» банди билан айбли топилиб, суд ҳукми билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Уй танлама, қўшни танла, дейдилар. Қариндошдан ҳам кўра ҳамсоя кўпроқ ярайди. Агар у душманга айланса,...

**Б. НАВРЎЗОВ,**
**Қарши шаҳар прокуратураси катта терговчиси,**
**Довуд МАҲДИЙ**

# БИР ЛАҲЗАЛИК ҒАЗАБ
## хонумонини куйдириб юборди

***Бургага аччиқ қилиб кўрпа куйдирма, мақоли бежизга айтилмайди. Афсуски, мақол мағзини чақишга ҳамма ҳам қодир эмас экан.***

Кўпчилик оилаларда учраб турадиган можаролар Мақсудбек Ҳайитбоев хонадонига ҳам бегона эмасди. Айниқса, турмуш ўртоғи Зуҳра Ражапова ва туғишган опаси Султонпошша Ҳайитбоевалар ўртасида келишмовчилик тез-тез юзага келар эди. Мақсудбек шароит тақозоси билан бу можаролар ҳакамига айланиб қоларди. У гоҳ турмуш ўртоғини қўлласа, гоҳ опасига ён босади. Аммо бир томон тарафини олса, иккинчи тараф норозилик билдиради. Мақсудбек нима қилишини билмай гаранг.

Ана шундай жанжаллардан бирида Мақсудбекнинг ҳакамлиги ҳам кор қилмади. Можарони ҳал қилиш учун профилактика инспектори И. Абдуллаев, маҳалла посбони А. Матчоновлар ташриф буюришди. Улар эса уй сеникими, ё меники, дея тортишишда давом этдилар.

Мақсудбекнинг ғазаби қайнади. Жаҳл отини қамчилади.

— Уй сенга ҳам, менга ҳам насиб этмайди, — дея ўшқирди опасига.

Кўз очиб юмгунча уйнинг боғ томонида турган 10 литрлик идишдаги бензин ёнилғисини долонга сепиб юборди. Ҳеч ким унинг йўлини тўсишга улгурмади. Мақсудбек ичкарида шунча одам бўлишига қарамасдан, гугуртни ёқди.

Ёнғин — тилсиз ёв. Бир зумда гуриллаб, бутун уйни эгаллади. Тез орада қўшни уйларга ҳам ўта бошлади.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари зудлик билан етиб келишганида қўшни Ўрозгул Бекжонова уйининг томи ҳам ёниб бўлганди. Натижада бу оилага 141.019.747 сўм миқдорида моддий зарар етказилди. Маънавий зарар ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади.

Ўзи ва опаси уйсиз қолди. Қанча одамларнинг ҳаёти хавф остига қўйилди. Ёнғин ичида қолган С. Ҳайитбоева оғир тан жароҳати олди.

Мақсудбек Ҳайитбоевга нисбатан қонуний чора қўлланилди. Аммо опа-ука ўртасидаги меҳр кўприги тикланармикин? Ота-оналари не машаққатда бунёд этган уйни-чи, уни қайта тиклаш осон кечармикин?

**М.ТЎРАБОЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

## 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

# КЎНГИЛНИ ОБОД АЙЛАСАК...

*Шарқ донишмандларининг эътироф этишича, таълим олмоқ худди таом ейишдек табиий ҳол бўлмоғи керак экан. Аслида ҳам таълим-тарбия жараёни ҳамма учун кундалик зарурият, қолаверса, жамият тараққиёти учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. «Таълим тўғрисида»ги Қонун эндиликда миллий ва замонавий билимларни ҳамда касб-ҳунарларни ёш авлодга ўргатишнинг асоси бўлиб хизмат қилаётир.*



— Туманимизда 32 та умумтаълим мактаби, 2 та мактаб-интернат, 3 та спорт йўналишидаги ва ёрдамчи мактаб, мактабгача тарбия муассасаларида 1750 нафар педагог ходимлар ёш авлодга таълим-тарбия беришмоқда. Уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш фаолиятимизнинг мазмунини ташкил этади, — дейди Тошкент шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Мирзо Улуғбек тумани кенгашининг раиси Мавлуда Адилова.

Муҳтарам Президентимиз «Маънавият ва иқтисодиёт бир-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини қувватлаб, ўзаро ривожланиб боради», деган эди. Демак, иқтисодий шарт-шароит яхшиланган жойда маънавият ҳам гуллаб-яшнайди. Кенгаш раисининг таъкидлашича, тумандаги мактаблар, боқувчисини йўқотган хонадонлар, кам таъминланган оилалар, қариялар ва ногиронларга берилаётган моддий кўмак салмоғи ушбу йилда ўтган йиллардагидан кўра икки-уч ҳиссага оширилди. Ижтимоий ҳимоя йилининг дастлабки ойлариданоқ хайрли ишлар кўлами янада кенгайтирилди. Кенгашнинг қўллаб-қувватлаши туфайли кўплаб педагог, мураббий, ногирон ва меҳнат фахрийлари ўз соғлиқларини тиклаш имкониятига эга бўлдилар. Кам даромадли оилаларга алоҳида ёрдам уюштирилди.

— Ҳар кўнгил шодлик истаб яшайди, ҳар инсон ҳаётдан завқланиб яшашга тўла ҳақлидир, — дейди Мавлуда Адилова. — Демакки, таълим соҳасининг ҳар бир ходимига меҳр кўрсатишимиз, моддий эҳтиёжларини ва талабларини асло эътибордан қолдирмаслигимиз зарур. Зеро, кўнгилларни обод айлаш ҳаж зиёрати билан баробардир.

Маълумки, суҳбат ва учрашувлар одамларнинг маънавий оламини янада бойитади, таълим-тарбия ва спортга қизиқишини тобора оширади. Ҳаётга шукрона келтириб яшашга ундайди. Яқинда тумандаги «Югнакий» спорт мажмуида халқ таълими ходимлари ўртасида ўтказилган спорт беллашуви фикримизнинг далили бўла олади.

Мусобақага таниқли тренерлар жалб этилди, саксон нафардан ортиқ таълим ходимлари волейбол, баскетбол, стол тенниси ва шахмат турлари бўйича беллашишди. Мусобақада «Қорасув», «Марказ», «Шимолий-Шарқ»,«ТТЗ» жамоалари иштирок этишиб, ўз иқтидорларини намойиш қилдилар. «Марказ» гуруҳи юқори ўринга муносиб деб топилди. «Шимолий-Шарқ» жамоаси иккинчи ўринни, «ТТЗ» гуруҳи эса учинчи ўринни олди. Беллашув давомида А. Панарова, Ш. Муҳаммедхонова, С. Абдуллаева, Д. Низомова, Х. Имамова, С. Круглова, С. Шеховикова, Д. Турсунова, А. Усмонов, Л. Ермолева, А. Комиссарова, Н. Давронова, С. Усмонова, Бадриддинова сингари спортсеварларнинг волейбол, стол тенниси ва шахмат суришдаги маҳорати барчани қойил қолдирди.

Бундай беллашувлар яқин орада тумандаги мактабгача тарбия муассасалари ходимлари ўртасида ўтказилиши режалаштирилган.

— Саъй-ҳаракатларимиз туфайли туманимизда спорт иштиёқмандлари сафи янада кенгайди. Демак, амалий



ишимиз аъло натижалар берди, десам янглишмаган бўламан, — дейди Мавлудахон. — Шунингдек, яқинда туман Ўқувчилар ижодиёти марказида «Истеъдодларни излаймиз» кўрик-танлови ўтказилди. Бунда йигирмага яқин педагоглар қатнашиб, мумтоз ва замонавий санъат турлари бўйича беллашишди.

Кенгаш ташаббуси билан яна бир хайрли тадбир ўтказилди. Хотира ва қадрлаш куни арафасида тумандаги уруш ва меҳнат фахрийлари 171-мактабга таклиф этилди. Тўкин дастурхон атрофидаги суҳбатлар қизғин тус олди. Кексалар уруш хотираларини ёшларга сўзлаб бердилар, келгусидаги ишлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Бу учрашув ёшлар ва кекса авлод ўртасидаги савол-жавоб анжуманига айланиб кетди. Учрашув сўнгида таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Мирзо Улуғбек тумани кенгаши томонидан кексаларга пул мукофотлари тарқатилди. Ўқувчилар ижодиёти маркази ҳаваскорлари ижросида куй-қўшиқлар даврага алоҳида файз киритди.

— Бу тадбир Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилгани сабабли янада кенгроқ аҳамият касб этди, — дейди туман халқ таълими бўлимининг бошлиғи Наргиза Раҳмонқулова. — Одам борки, шодлик истайди, ҳаёти давомида эзгуликлар сари талпинади. Эътиборга, меҳрга ташна қалбларга яқин бориб, уларга юпанч ва таскин бермоқ эса жуда хайрли юмуш. Негаки, таълим-тарбия соҳасининг ривожига муносиб ҳиссаларини қўшган фидойиларимизнинг доно ўгитлари келажак авлод учун янада қадрлидир. Биз кексаларнинг мазмунли умр йўлидан ўрнак олиб, ўзимиз ҳам уларга ҳамиша иззат-ҳурмат кўрсатиб яшамоғимиз лозим.

**Г. ЖАМИЛОВА,**
**Ш. АСРАНОВА**


# «SHARQ TARONASI»

**Очиқ акциядорлик жамияти акциядорларнинг Умумий мажлиси 2007 йил 30 июн куни соат 10.00да Тошкент шаҳар, Мараимова кўчаси, 58-уйда ўтказилишини маълум қилади. Акциядорлар реестри 2007 йил 30 май ҳолатига ёпилади.**

**Кун тартиби:**

1. Кузатув Кенгаш раиси ҳисоботини тасдиқлаш.
2. 2006 йил якунлари бўйича корхонанинг молиявий хўжалик фаолияти тўғрисида бош директор ҳисоботини ва 2007 йил учун бизнес-режани тасдиқлаш.
3. 2006 йил якунлари бўйича корхонанинг молиявий хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича аудитор ва тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Бухгалтерия баланси, 2006 йил учун фойда ва зарар ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Фойдани тақсимлаш, дивидент миқдорини ва тўлаш формасини тасдиқлаш.
6. Бош директор билан шартномани 1 йил муддатга узайтириш.
7. Жамият аудиторини тасдиқлаш.

**Баланс ОАЖ «SHARQ TARONASI» 01.01.2007 й.**

| Актив: | (01.01.2006 й.) | (01.01.2007 й.) |
|---|---|---|
| 1 Узоқ муддатли активлар | 130 618 | 167 984 |
| 2. Айланма активлар | 53 625 | 41 286 |
| Баланс (сатрлар жами 190 390) | 184 243 | 209 270 |
| **Пассив:** | | |
| 1. Узоқ муддатли маблағлар манбалари | 171 465 | 197 081 |
| 2. Қисқа муддатли пассивлар | 12 778 | 12 189 |
| Баланс | 184 243 | 209 270 |

**ОАЖ «SHARQ TARONASI» Кузатув Кенгаши**


# ҲЕЧ КИМ ЮТҚАЗМАДИ, АФСУСЛАНГАНЛАР ЭСА БЎЛДИ...

***Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Самарқанд вилоят вакиллиги Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан анъанавий спартакиадани ўтказишди.***

Мусобақада 14 та тармоқ корхона ва идораларининг спортчилари иштирок этди. Самарқанд Давлат университетининг спорт мажмуаси мезбонлик қилган ушбу баҳслар жуда қизғин ва қизиқарли ўтди. Зармитан геология қидирув экспедициясининг волейболчи қизлари, эркаклар ўртасида эса Марказий геология-геофизика экспедицияси давлат корхонаси йигитлари биринчи ўринни эгаллашди.

Мини футбол баҳсларида «Самарқандкимё» ОАЖ жамоаси ғолиб бўлишди. Кейинги ўринлар «Марказгазтаъминот» УК, Марказий геология-геофизика экспедицияси ва зармитанликларга насиб этди.

Стол тенниси баҳслари ҳам жуда қизғин ўтди. Эркаклар ўртасида «Самарқандкимё» ОАЖ ходими У. Маҳмудов, Зарафшон геология қидирув экспедицияси Давлат корхонаси ишчиси Х. Омонов, аёллар ўртасида эса Марказий геология-геофизика экспедицияси ходими О. Архипова, Аэрогеодезия корхонаси вакиласи М. Аминжонова ҳамда «Самарқандкимё» ОАЖ ходимаси Ф. Хисамиддиновалар мусобақага жиддий ҳозирлик кўришганини намойиш этдилар.

Шахмат бўйича эркаклар ўртасида Марказий геология-геофизика экспедицияси Давлат корхонаси бош ҳисобчиси Н. Эгамбердиев, аёллардан шу корхона ходимаси З. Қўчқорова биринчи ўриндан жой олишди.

Шашка мусобақаси ҳам кескин ўтди. Эркаклар ўртасида З. Аноров барча рақибларини ортда қолдирди.

Мусобақа якунида умумжамоа ҳисобида «Самарқандкимё» ОАЖ биринчи ўринни, «Марказий геология-геофизика экспедицияси» иккинчи, «Марказгазтаъминот» УК ва Зармитан геологлари кейинги ўринларни эгаллашди. Барча ғолиблар диплом ва қимматли совғалар билан тақдирланишди.

**Ж. ЙЎЛДОШЕВ,**
**Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Самарқанд вилоятидаги вакили**

## Китобингизни ўқидим

# ЕЛЛАРГА КЕТМАГАН ЙИЛЛАР ҚИССАСИ

***Болалигимдан катталар билан суҳбатлашишни, уларнинг ҳаёт тажрибаларидан баҳраманд бўлишни ёқтирганлигим учунми ёки қўлимдаги китоб муаллифи яхши таниш бўлганиданми Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳакимнинг «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти томонидан чоп этилган «Олам ғалат, одам ғалат...» китоби мени жуда тез ўзига ром этиб олди.***

Номининг ўзиёқ биз билган ва билмаган олам, биз англаб етган ва етмаган ғалат одамлар ҳақида нимадир янги гап айтиш ваъдасини бериб турган китоб саҳифаларини аста варақлай бошладим. «Бир-бирига терс ички зиддиятларни бирданига бир четга суриб қўйиб, қўлимга қалам олишга журъат этдим, — дея ҳикоя қилади муаллиф. — Бунинг биринчи сабаби — ўтган асрнинг ўттиз саккизинчи йили ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ қатли ом этилган падари бузрукворим, айрилиқ, руҳий изтироблар, камситишлар, азоб-уқубатларга дош беролмай дунёдан жуда эрта кўз юмган волидаи муҳтарамам армонларини, қолаверса, ниҳоятда ночорликда ўтган болалигим ҳақида кимгадир сўзлаб бериш истагининг ғолиб келиши эди...».

Етмиш йиллик ҳаёти, қирқ беш йиллик ижодий фаолияти давомида кўрган-кечирганларини ҳикоя қилиб бериш истагининг ғолиб келишига яна бир сабаб шундаки, асардаги воқеалар фақат муаллифнинггина эмас, балки болалиги уруш ва урушдан кейинги йилларга тўғри келган ўн миллионлаб оч-юпун тенгдошларининг, тирик етимларнинг қиссаси ҳам эканлигидир.

Китобда муаллифнинг тўрт-беш ёшлик йилларидан тортиб то етмиш ёшдан ошгунгача босиб ўтган ҳаёт ва ижод йўли жуда қизиқарли ҳаётий мисоллар асосида содда, равон, халқчил ва бадиий тилда ҳикоя қилиб берилади. Унда ҳеч қандай бадиий тўқима, зўрма-зўракилик билан ўйлаб топилган тимсол ҳам йўқлиги учун китоб мароқ ва иштиёқ билан ўқилади.

Саҳифадан-саҳифага ўтиб борар экансиз, қишлоқнинг зиёлиси бўлган дадасини милтиқли кишилар бемаҳалда олиб кетган болакайнинг ҳолига ачинасиз. Ўша машъум қатағон йилларида юрт ичидан чиққан сотқинлар, тирик етимлар бошини силаш ўрнига уларнинг устидан кулган, масхара қилган калтабин, беор одамлардан нафратланасиз. Қорни нонга, усти кийимга ёлчимай, тунлари боя қиш онасининг «Э, худо! Ўзинг раҳм қил!» деган хитобларидан уйғониб кетадиган ўсмирнинг бешафқат дунё синовларидан қандай қилиб ўтганлиги, ҳалол ва фаол инсон, халқ дилидагини топиб ёзадиган ижодкор бўлиб етишганининг жонли гувоҳи бўласиз. Тирикчилик ташвишларини жуда эрта бошлаб юборган бўлишига қарамай, қўлидан китоб тушмайдиган болакайни рағбатлантириш, бошини силаш, унга китоб олиб бериш ўрнига у ўқиётган китобларни йиртиб ташламоқчи бўлган, «Ўқиб-ўқиб қайси ҳаммомга қоровул бўласан?» дея масхара қиладиган ақли ноқис кимсалар ҳамиша жамият тараққиётига ғов бўлиб келганлигига яна бир карра амин бўласиз.

Иккинчи жаҳон урушининг даҳшатлари чекка-чекка қишлоқларгача бостириб келганлиги, урушдан кейинги йилларда «бездетний налог»га ўхшаган бемаъни солиқлардан, мажбурий равишда чўчқа боқиш ва шунга ўхшаш собиқ иттифоқ давридаги халқ хоҳиш-иродасидан келиб чиқмаган қонун ва қарорлардан одамлар изтироб чекканлиги ҳеч қандай қўшиб-чатишларсиз, ҳаётий мисоллар асосида ҳикоя қилинадики, булар яқин ўтмишимизга ва бугунги кунимизга теранроқ назар ташлашга ёрдам беради.

Маълумки, ҳар бир ижодкорнинг ўзи суйган, ёқтирган мавзуси бўлади. Охунжон Ҳаким учун бундай мавзу муҳаббат ва умр мазмуни деб айтиш мумкин. Ҳеч қачон эскирмайдиган, долзарблигини йўқотмайдиган, қарини ҳам, ёшни ҳам бирдек ўзига жалб этиб келадиган бу икки мавзу таъбир жоиз бўлса, Охунжон Ҳаким ижодининг энг етакчи мавзулари сирасига киради, дейиш мумкин. Қирқ беш йиллик ижодий фаолияти давомида хоҳ назмда, ва хоҳ насрда, хоҳ публицистикада ва хоҳ драматургияда бўлсин серқирра ижод соҳиби бу ўлмас мавзуларга қайта-қайта мурожаат қилаверади:

***Ортингда қани, ўйла-чи, бир он, нима қолди?***
***Хирмон қолдими, қолдими тўфон, нима қолди?***
***Инсон боласи олгай нафас орзу-ҳавас-ла,***
***Шодлик қолдими, қолдими пушмон, нима қолди?..***

Муаллифи томонидан бир умр ўз-ўзига бериб келинган бу саволлар бирон дақиқа ҳам ёдидан кўтарилмаганлиги боис асар бош қаҳрамони ҳамиша муҳтожларга ёрдам қўлини чўзади, қалами ўткир журналист сифатида адолатни ҳимоя қилади, қинғир ишга қўл урганларни аёвсиз танқид остига олади. Умрининг асосий қисмини чўнтагига журналист блокнотини солиб юриб, ёзув-чизув билан ўтказган асар муаллифи ушбу китобида оддий қишлоқ одамларидан тортиб улуғ олимлар, адиблар, журналистлар, рассомлар, шифокорлар, бастакорлар, қўшиқчилар ҳақидаги, бугунги шеъриятимиз, қўшиқчилигимиз тўғрисидаги ўз қарашларини очиқ-ойдин билдиради.

Ўзига хос автобиографик қисса деб аташ мумкин бўлган китоб бош қаҳрамонига турли йилларда дуч келган илон, чаён ва бўрилар ҳақида ҳам ҳикоя қилинади ва шундай хулосага келинади: «Ўша илон, чаён ва бўрилар билан учрашувларим хотирамдан ўчмайдиган бўлиб муҳрланиб қолди. Ёшлик йилларимда буларни шунчаки қўрқинчли ҳодиса сифатида эслаб юрардим. Орадан ўн йиллар ўтиб, ҳаётни, одамлар ва уларнинг феъл-атворларини кўриб, болалигимда бошимдан кечирган ўша воқеалардан бошқачароқ хулоса чиқара бошладим. ...Ўша газанда-ю йиртқичлар ўз «ҳунар»ларини кўрсатганида менинг умримга болалигимдаёқ нуқта қўйилган бўларди. Йўқ, улар менга нисбатан ўз газандаликлариниям, йиртқичликлариниям кўрсатишмади, лекин одамлар-чи, одамлар?..» Зеро, асарда анчамунча газандалардан ҳам газандароқ бўлган кимсалар ҳақида ҳам ҳикоя қилинадики, китобхонда бундай одамларга нисбатан ҳушёррок бўлиш фикри уйғонади.

Мутолаа жараёнида айрим фикр ва мулоҳазалар ҳам туғилди, албатта. Балки кейинги нашрларда инобатга олинар деган ниятда уларнинг айримларини баён қиламиз. Аввало, асар жанри аниқ белгиланса ва шу асосда қайта кўриб чиқилса яхши бўлар эди. Юқорида айтиб ўтилганидек, китобда эллик йилга яқин давр ва турли мавзулар қамраб олинган. Уни янада фойдали, ўқишли қилиш учун давр ёки мавзулар бир неча шингил ҳикояларга ажратиб, ҳар бир ҳикояга алоҳида сарлавҳалар қўйиб чиқилса, асарнинг аҳамияти янада ортади, деб ўйлаймиз.

Китоб жуда ҳам ҳаётий ёзилганлиги, турли касб эгалари, айниқса, бошловчи шоир ва журналистлар учун тажриба мактаби вазифасини ўташи билан катта аҳамиятга эга. Уни ўқиш орқали шоир, журналист, адиб ва драматург Охунжон Ҳаким ҳаёти ва ижодига, қолаверса, унинг замондошлари, тенгдошларининг ўзига хос томонлари, феъл-атворларига оид муҳим маълумотлардан хабардор бўлиш мумкин. Энг муҳими, китобхонда тўрт яшарлигидаёқ ота меҳридан маҳрум қилинган оддий қишлоқ боласининг ҳаёт деб аталмиш катта уммоннинг ҳамма азобларидан, чиғириқларидан ўтиб, Ўзбекистон халқ шоири деган юксак унвонга сазовор бўлгани, йилларини елларга бермаган инсон, албатта, орзуларга эришиши муқаррарлиги аниқ-тиниқ баён этилади. Шу ўринда шоирнинг қуйидаги сатрлари беихтиёр дилдан ўтади:

***Инсон ҳаёти ёниб ўчар нурга баробар,***
***Нур қолдими сендан, зимистон, нима қолди?***
***Не қолди сендан, деб сўрса юрт бир кун,***
***Охунжон,***
***Бошингни эгиб, ўксиман нолон, нима қолди?***

**Сиддиқ МЎМИН,**
**филология фанлари доктори**

# АСАЛ АЧИМАС...

**Тоза асал ҳеч вақт айнимайди. Бунинг сабаби эҳтимол унинг таркиби мураккаб эканлигидадир. Археологлар Миср эҳромларидан биридан уч минг йил мобайнида сақланиб, сира бузилмаган бир идиш лиммо-лим асал топишган. Олим Н.Йориш эса Швейцариядаги бир эски уйдан топилган асал 60 йилча турган бўлишига қарамай худди янгидай сақланганини ёзади.**

**Қадим замонларда узоқ сафарга чиққан кишилар ўз озиқ-овқатларини бузилишдан сақлаш учун асалдан фойдаланишган. Ривоятларга кўра, Яқин Шарққа юриш қилаётган кезлари вафот этган Искандар Зулқарнайннинг жасадини бузилмаслик учун Македония пойтахтига асал ичида олиб келишган экан.**

**Маълумотларга қараганда, қадимги юнонлар ва римликлар гўштни айнитмай сақлашда асалдан фойдаланишган.**

**Асалнинг чўзилувчанлиги унинг таркибидаги сув миқдорига, ҳароратига ва кимёвий тузилишига боғлиқ. Асалда сув қанча кўп бўлиб, ҳарорат юқори бўлса, у шунча кам чўзилади.**

**А.АКБАРОВ тайёрлади**

Ўзбекистон енгил, мебель саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, Марказий кенгашнинг Тошкент вилояти вакиллиги ҳамда Тошкент шаҳар тармоқ касаба уюшма кенгаши «Ўзкоммунхизмат» агентлиги бош директори Ўткир Холмуҳаммедовга падари бузруквори

**ОЧИЛ ота**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят кенгаши жамоаси кенгаш мутахассиси Татьяна Шариповага опаси

**Ирина ШАРИПОВА-**
нинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.


O'.K.U.F. F.T.U.U.

**БОШ МУҲАРРИР**
**Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
Алла Долженкова,
Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари),
Маъмура Адилова,
Мирзоҳид Содиқов,
Носирхон Акбаров,
Ойсулув Нафасова,
Пиримқул Қодиров,
Соғиндиқ Ниетуллаев,
Шамси Эсонбоев,
Элёр Ёқубов,
Ғуломзокир Юсупов

**Бизга қўнғироқ қилинг:**

**Котибият**
153-52-78

**Бўлимлар**

**Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими:** 153-87-63
**Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими:** 153-87-73
**Ижтимоий-иқтисодий сиёсат бўлими:** 153-87-74
**Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт бўлими:** 153-82-79
**Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими:** 153-85-43
**Реклама ва эълонлар бўлими:** 153-03-90

**БИЗНИНГ МАНЗИЛ:**
*700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.*
*Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

**Газета ҳафтанинг**
**сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.**

Навбатчи котиб - А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир - А.Қодирова
Навбатчи - Р.Сайдаҳмедова
Мусаҳҳиҳ - Н.Юлдошев

Саҳифаловчи-дизайнер: Ю.Михайловский

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.
**IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.**

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 19.10

Буюртма Г — 414

Тиражи: 16821

1 2 3 4 5